


## XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2752,7 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 53100 кишига ёки 2,0 фоизга кўпайди. Шундан, 1777,4 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 64,6 фоизи) ва 975,3 минг киши – қишлоқ жойларида (35,4 фоизи) истиқомат қиласди.

Шунингдек: вилоятдаги жами доимий ахолининг 1397,2 мингтаси эркаклар (жами аҳоли сонининг 50,7 фоизи) ва 1355,5 мингтаси аёлларни (49,3 фоизи) ташкил этади.

Вилоятнинг ҳудудий майдони 7,444 минг кв.км.ни ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 кв.км.га ўртача 369,8 киши тўғри келади. Аҳоли зичлиги юқорилиги бўйича шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Наманган шаҳарда 1 кв.км.га ўртача 4181,3 киши, Наманган туманида 1 кв.км.га ўртача 859,4 киши ва Тўракўрғон туманида 1 кв.км.га ўртача 808,9 киши тўғри келмоқда.

Аҳоли зичлиги паст бўлган туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Поп тумнида 1 кв.км.га ўртача 73,9 киши, Мингбулоқ туманида 1 кв.км.га ўртача 166,2 киши ва Чуст туманида 1 кв.км.га ўртача 277,0 киши тўғри келмоқда.




**Наманган вилояти худудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида**  
**маълумот**  
*(2019 йилнинг 1 январь ҳолатига)*

	<i>Доимий аҳоли сони, минг киши</i>		
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>шаҳар</i>	<i>қишлоқ</i>	
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>2752,7</b>	<b>1777,4</b>	<b>975,3</b>
<b>шахарлар:</b>			
Наманган	612,2	612,2	
<b>туманлар:</b>			
Мингбулоқ	123,1	42,7	80,4
Косонсой	203,9	123,4	80,5
Наманган	174,6	51,7	122,9
Норин	160,3	73,6	86,7
Поп	215,0	123,1	91,9
Тўрақўрғон	220,6	125,9	94,7
Уйчи	207,7	101,2	106,5
Учқўрғон	168,2	72,1	96,1
Чорток	194,6	129,7	64,9
Чуст	259,7	175,0	84,7
Янгиқўрғон	212,8	146,8	66,0

**Аҳолининг табиий ҳаракати**  
(январь-декабрь ойларида)

	Киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	45065	47691	2626	22,6	23,5
Ўлганлар	9497	8793	-704	4,8	4,3
Табиий ўсиш	35568	38898	3330	17,8	19,2
Никоҳлар	15527	15370	-157	7,8	7,6
Ажралишлар	1827	1825	-2	0,9	0,9

**Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти**  
*2018 йилнинг январь–декабрь ҳолатига (1000 аҳолига нисбатан, промилле)*



<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

**Туғилиш даражаси.** 2018 йил январь-декабрда туғилганлар сони 66466 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (61380 киши) нисбатан 5086 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равища 24,4 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (22,9 промилле) нисбатан 1,5 промиллега ўсиш бўлди.


Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Наманган шаҳрида (24,7 дан 26,8 промиллега) ва Янгиқўрғон (20,8 дан 23,4 промиллега) туманларида кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2018 йил январь-декабрда ўлганлар сони 12212 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (13066 киши) нисбатан 854 тага камайди. Мос равища ўлим коэффициенти 4,5 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-декабрида—4,9 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Учқўрғон (5,4 дан 4,7 промиллега), Мингбулоқ (4,3 дан 3,7 промиллега), Норин (5,4 дан 4,9 промиллега), Поп (4,9 дан 4,4 промиллега) туманларида ва Наманган (5,3 дан ,9 промиллега) шаҳрида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 57,8 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 5,2 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 6,7 фоизи - баҳтсиз ҳодиса заҳарланиш ва жароҳатлардан, ўсимталардан 9,3 фоизи вафот этганлар ҳисобига тўғри келди.

#### **Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши (2019 йилнинг 1 январь ҳолатига, фоизда)**



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрда бир ёшга тўлмаган 799 та болалар ўлими қузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 30,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 41,8 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан ва 16,4 фоизи – туғма аномалиялар билан касалланганлиги сабабли вафот этганлар ҳисобига тўғри келган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2018 йил январь-декабрда ФҲДЁ органларида 26449 та никоҳлар ва 2508 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,7 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 9,8 та) ва 0,9 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 0,9 та) тўғри келади.

#### **2018 йилнинг январь–декабрь ойларида тузилган никоҳлар**

#### **ва никоҳдан ажралишлар сони**

(бирлик)

	<i>Тузилган никоҳлар</i>		<i>Никоҳдан ажралишлар</i>	
	<i>2017й.</i>	<i>2018й.</i>	<i>2017й.</i>	<i>2018й.</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>26336</b>	<b>26449</b>	<b>2518</b>	<b>2508</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Наманган	5658	5733	578	546
<i>туманлар:</i>				
Мингбулоқ	1087	1187	90	87
Косонсой	1897	1878	200	205
Наманган	1651	1629	166	158
Норин	1539	1551	166	184
Поп	1999	1975	197	250
Тўракўрғон	2249	2382	190	186
Уйчи	2108	2127	166	170
Учқўрғон	1631	1564	198	167
Чорток	1861	1816	140	182
Чуст	2511	2516	244	233
Янгикўрғон	2145	2091	183	140

**Миграция.** Дастрлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрь ойларида вилоят бўйича қўчиб келганлар сони 4861 кишини, шу давр мобайнида қўчиб кетганлар сони эса 5695 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 1134 кишига (2017 йилнинг шу даврида - манфий 391 киши) тенг бўлди.

Энг катта манфий қолдиқлар Наманган шаҳрида (манфий 1358), Тўракўрғон (манфий 161), Норин (манфий 106), Поп (манфий 71) туманларида кузатилди.

**2018 йил якуни билан худудлар кесимида доимий  
ахоли сонининг тақсимланиши**

**минг кишида**

	Доимий ахоли сони		
	2017й.	2018й.	Ўсиш+/-
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>2699,6</b>	<b>2752,7</b>	<b>53,1</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Наманган	600,2	612,2	12,0
<i>туманлар:</i>			
Мингбулоқ	120,6	123,1	2,5
Косонсой	199,7	203,9	4,2
Наманган	170,8	174,6	3,8
Норин	157,5	160,3	2,8
Поп	211,3	215,0	3,7
Тўракўрғон	216,2	220,6	4,4
Уйчи	203,4	207,7	4,3
Учқўрғон	165,2	168,2	3,0
Чортоқ	190,9	194,6	3,7
Чуст	255,0	259,7	4,7
Янгиқўрғон	208,8	212,8	4,0